


84
E-93

Қосимжон Ёқубов

Меърнама



84
E-93


Ўзбекистон Республикаси Муштақидилпичининг
23 йиллигига бағишланган

ҚОСИМЖОН ЁҚУБОВ

МЕХҲРИНОМА

Шеврлар

1642



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIK
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI



ИНТИ АСР АВЛОДИ
Ўзбекистон Республикаси
Oliy Viloyat va O'rtacha Maxsus Ta'lim Vazirligi
Toshkent viloyati Shirchik
Davlat Pedagogika Instituti
2014
AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5)7

Ё - 93

Ёқубов Қосимжон

Меҳнома: шерьлар / Қ.Ёқубов. — Тошкент: Янги аср
авлоди, 2014. — 64 б.

Шундай инсонлар бўлдики, ёши нурунийлик палласига етгач,
қўлига қалам олиб ижод қилгиси, динидаги кечинмаларни, умри
давомида кузатган турфа ҳолатларни шерь ёки ҳикоя, қисса шак-
лида ёзиб қолдиргиси келиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Қосимжон Ёқубов
хам ҳаётда кузатган, кўнгли элагидан ўтказган ҳис-туйғуларини
шерьга туширган. Ватан, инсоний муносабатлар ҳақидаги шерь-
лар, насиҳат, ҳикмат мавзусидаги фикрлар китобхоналарнинг зий-
рак назаридан четда қолмайди, деб умид қиламиз.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5)7



ISBN 978-9943-27-266-8

© Қосимжон Ёқубов, «Меҳнома», «Янги аср авлоди», 2014 йил.

ШЕРЬРИЯТГА ОШНОЛИК

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси",
"Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби
Қосимжон Ёқубов ижодига бир назар

Кексаликка эсон-омон етиб келиб, босиб ўтган
хаёт йўлига назар ташлаб, қолдирган ибратли амал-
лари самарасини кўриб, ўзидан рози бўлган одам —
бахтли одам. Кексалик бекатига етиб келиб, тин олиб,
хаёт йўлини сарҳисоб қилиб, бироз армон туйган,
киломай қолдириб кетган ишларини кечроқ бўлса-
да охирига етказишга жаҳд қилган одам ҳам бахтли
одам. Кексалик уйининг остонасидан ҳатлаб, эши-
гини қаттиқ ёпиб, ўтмишини эслашни хуш кўрмай-
лиган, ҳаракатдан тўхтаган одам — ночор одам.

Қўлингиздаги "Меҳнома" номаи китоб муалли-
фи Қосим хожи Ёқубов гарчи кексаликнинг иккин-
чи тоифасига мансуб шахс бўлсалар-да, мен бу ин-
соннинг хислатларига "тиниб-тинчимас" деган си-
фатни ҳам қўшиб қўймоқчиман. Зеро, устоз билан
35 йилдан зиёд танишлгим, таълим-тарбия соҳа-
сида кўп йиллар бир сафда бўлганим боис бу ин-
сонни муқаммал ўргандим, дея оламан. Устознинг
китобга "Меҳнома" деб ном қўйишида ҳам ўзига
хос маъно бор. Қосимжон Ёқубов гарчи болалиги-
дан меҳрга ташна бўлиб улғайган бўлса-да, хаёт
йўлида кўп одамлардан меҳр кўргани ва ўзи ҳам
шогирдларга, ёшларга меҳр кўргизгани боис, китоб-
бига шундай ном берган бўлса не ажаб.

Қосимжон Ёқубовни билган одамлар ушбу шерь-
рийат тўпламини қўлга олганларида "бугун фаолия-

тини тарихга бағишлаган ўқитувчи нега бирдан шoir бўлиб қолибди?" деган савол беришлари табиий. Худди шу саволни устозга мен ҳам берганман. Анча-мунча тортишув, баҳслардан сўнг тарихчи, қадим-шунос ўқитувчининг "шoirлик дарво қилиш" сабабини тушундим.

Устоз бир кунни мени йўқлаб келдилар. Қўмаридан катта "папка". "Нуралижон, бу менинг ёшлигимдан бери ижод қилган машқларим. Айримлари яқинда ёзилган. Авлоқларга, қолаверса, фарзанд ва шогирдларимга бир эсдалик бўлиб қолсин деб, китоб қилмоқчиман, муҳаррирлик қилиб берасиз. Билман, сел-пад ёрроқ шеърлар ҳам бўлиши мумкин. Дозим топсангиз, у ер-бу ерига қалам теккизсангиз ҳам розиман." — дедилар. Мен ҳожи отанинг шеърини машқлари билан танишар эканман, шу шеърларда у кишининг етимликда ўтган оғир болалик йилларини, ота-онасиз қийинчиликлар билан Самарқанда ўтган талабалик даврини, ўн олти ёшидан мактабда ишлаб, ётоқхоналарда яшаб, поччаси ёрдамида ўйланиб, секин-аста оёққа турган замонарни кўз олдига келтирдим. Шеърларнинг эсамавзулари хилма-хил эди: илк муҳаббат изтиробларидан дўстлар хийнатигача, болаларга меҳр, тарбиядан жонбозликдан турфа амалдорларнинг таҳқирлашларигача, ташаббуснинг бўғилишидан эл-юрт хурматига сазовор бўлган зафарли кунларгача давр нафаси уларда акс этиб туради. Мен бу шеърларни юқорида айтганимдек, ҳаётини ёш авлод тарбиясида, юрт тарихини ўрганишга бағишлаган инсоннинг ўзи ва шогирдлари олдигаги ҳисоботи деб қабул қилдим ва муҳаррирликка рози бўлдим.

Ҳожи бобонинг шеърлари мени унча "қийнамади". Бироз шақабозлик, баъзи кофиялардаги номутаносиблик, айрим ҳолларда яхши маъно ёки фикр-ни шеър охирига бориб очилмай қолганини ҳисобга

олмасак, шеърлар, асосан, ўқувчисига илиқ туйғулар уйғота олади. Шу маънода менинг "қалам теккизишлик" вазифам кўзгута кўнган чанггни арттиб кўйиш билан баробар бўлди.

Қосимжон Ёқубов Ваганга муҳаббатни ҳам, истиқлолга садоқатни ҳам, пана-насихату меҳроқибатни ҳам, ўқувчилар руҳиятию инсоннинг хислати ва қусурларини ҳам ўзининг ҳаётга бўлган бахоси нуқтани назардан очиб беради. Фикрдаги ва сўздаги соддалик, эркинлик ва ихчамлик шеърдаги маънони кучайтиришга хизмат қилган:

Зиёратга келган фарзандим,

Бироз тўхтаб, бир зум бошинг эг.

Расадхона боғида ўйчан

Ўтирибди Мурзо Улуғбек.

Қосимжон Ёқубов олти йил давомда Самарқанда Давлат университетининг тарих факультетида ўқиган, бу азим шаҳарни, вилоятни тарихчи-мутахассис сифатида обдон ўрганган. Агар ҳожи ота тарихчи эмас, адабиётчи бўлганда эди, бу шаҳарга бир неча китоб бағишлаган бўлармиди.

Тошкентнинг марказига

Мустақиллик майғони.

Унга бир хайкал турар

Таратиб нур, зиёни.

Таъзим сузга онажон,

Пойинлигга элгим бош.

Сиз бор экан юртим тинч,

Сиз бор — чароғон кўёш.

Она образи меҳр-муҳаббат рамзи сифатида муалфнинг кўлаб шеърлари ва хотираларида тав-

даланади. Она меҳрига тўймаган, боладиги амма ва ходалари ховлисида қийинчилик билан кечган Қосимжон она мавзусига қайта-қайта муружаат қилар экан, бу улуғ зотга тимсол қилдиради, тасаввурини энг сара ҳиссиёт ва сўзлар билан ифода-лашга ҳаракат қилади.

*Юрт бўлмайди Ватанган ўлга,
Биз соғиқмиз шу битта сўзга.
Хокшн оиб суртамиз кўзга,
Бу — Ватан тулроғи.*

Ёки

*Мағдуҳлиққан хуғо сакласин,
Гувоҳарим — ҳар битта шеърим,
Ҳақ назари тушган шу Ватан —
Ўзбекистон — туғилган ерим.*

Ватанга муҳаббат мавзуси — Қосимжон Ёқубовнинг сеvimли йўналиши. Ўзбекистон ҳақида, унинг тарихи-ю бутунги кўни ҳақида, Истиклол берган неъматлар ҳақида муаллиф жўшиб-тошиб ёзади. Кўпчилик шеърларида эса ватанпарварлик ҳисси кучди. У ёшларни, шогирдларини Ватанни севишга, унинг тарихини ўрганишга, Широқ, Амир Темур, Навоий каби улуғларимиз ҳаётидан ибрат олишга чақиради.

Бутунги кўнда тинчликнинг нақададур улуғ неъмат эканлиги, унинг қадрига етишимиз зарурлиги, бундай кўналарга етиб келгунча қанча-қанча курбонлар бўлганлиги Қосимжон Ёқубов шеърларида олоҳликка датьявг тарзида янграйди:

*Эй, жаноблар, куролни ташлаб,
Даст кўтаринг тинчлик яловин.
Зулматлардан зағо заминга
Ёқмай турунг уруш оловин.*

Устоз ҳатто ҳаж зиёратига борганларида ёнлари-га бир сиқим юрт тулроғини ола кетган эканлар. Ҳожидлик унвонини оиб қайтгач, бу тулроқни меҳмонхонада бирга яшаган барча ўзбекистонлик ҳожидар қониқиш билан оиб, кўзларига суртганларини Қосим ота ғурур ва ифтихор билан айтиб берган эдилар.

*Юртим ҳожилару ҳажга бирлашиб,
Ажиб бир оғатни вожиб толдилар.
Амоҳнинг уйида ўқиб намозни,
Сўнг Ватан тулроғин оиб ўлдилар.*

Кеқсалик галштини сураётган устоз мақомида, ҳаж зиёратини адо этиб келган Ҳожидар бобо сифатида Қосимжон Ёқубов аксарият шеърларида ёшларга панд-насихат қилади. "Қабимдаги хикматлар" йўналишида ва тўртликларида ёшлар ва фарзандларига ҳаётни, одамларни англашни, ҳалол ва тўғри яшашни ўргатади

Бир тўртликимида ёзгандим:

*Насия излама — толсанг нақу яхши,
Бировга ячиммай ўлган вақт яхши.
Эрта келиб эрта келган толеган,
Кеч келиб сен билан қолган бахт яхши.*

Устоз Қосимжон Ёқубовга эа-юртнинг хурмат-эътибори, обрў, ҳуқуқатимиз томонидан бийлайдиган эътироф — битта сўз билан айтганда бахт нисбатан кечроқ келган бўлса-да, тўла-тўқис, ўзи би-

лан бир умр қолдиган бўлди келди, десам адаш-
майман. Бу шундай улуғ бахтки, бу бахт қанча қуй-
ланса, китобларга ҳар қанча ёзилса арзийди. Қосим-
жон ҳожи Ёқубов ўз бахтини энди шеър қилиб ёзгиси,
қуйлагиси келган экан, биз шогирдлари бу фаолият-
тини фақат қутлаб қоламиз.

Нурраи ЖАЛИЛ,
шоир.

ЮРТ БЎЛМАЙДИ ВАТАНДАН ЎЗГА

ВАТАН ТУПРОҒИ

Ҳар мисқоли бизларга азиз,
Боболардан мерос қолган из,
Муқаддас деб айтилмас бежиз,
Бу — Ватан туپроғи.

Юрт бўлмайди Ватандин ўзга,
Биз содиқмиз шу битта сўзга,
Хоким олиб сурғамиз кўзга,
Бу — Ватан туپроғи.

Аввад қилиб оғир хатолар,
Сўнгра қилур минг илтижолар,
Еголмаган ватангадолар,
Бу — Ватан туپроғи.

Уруғ сепсанг барака унар,
Дарахт эксанг бахт қуши кўнар,
Ҳар қаричи мисли тилмо, зар,
Бу — Ватан туپроғи!

ТУҒИЛГАН ЕРИМ

Мен туғилган бу она тулрок,
Далам, боғим, ўтлоғим, қирим,
Менинг учун онамдай мунис —
Бу қишлоғим — туғилган ерим.

Қибралрни суймайман, лекин
Мен мутлақо қилмайман ирим.
Бу дунёда энг азиз маръво —
Воҳам менинг — туғилган ерим.

Мададоҳликдан ҳудо сақласин,
Гувоҳим шу - ёзганим шеърим.
Ҳақ назари тушган шу Ватан —
Ўзбекистон — туғилган ерим.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТЛАР

Коммунизмиз қилмоқда амал,
Байроғимиз хиштирар ял-ял.
Герб — юртимнинг ғурури тутал,
Мустақиллик берган неъматлар.

Мадҳиямиз янграр эртадаб,
Озода Ватан — муқаддас мағлаб.
Юрт бирлиги тинчликка сабаб,
Мустақиллик берган неъматлар.

Деймиз ғурур билан энди биз,
Омон бўласин Президентимиз.
Ўзбекистон буюк юртимиз —
Мустақиллик берган неъматлар.

ТАЪЗИМ

Мустақиллик майдонидати она хайкалга

Тошкентнинг марказида
Мустақиллик майдони.
Унда бир хайкал турар
Таратиб нур — зиёни.

Бола кучиб турибди
Майдоннинг энг тўрида.
Халқим уни асрайди
Қалбин меҳр кўрида.

Таъзим сизга, онажон,
Пойингига эғдим бош.
Сиз бор экан, юртим тинч,
Сиз бор — чароғон кўёш.

Ҳурмат қилди эву юрт,
Ҳурмат қилди юртбоши.
Ният қилдик: сўнмасин
Истиқлолнинг кўёши.

МУСТАҚИЛ ЮРТ

Кафасидан озод бўлган қуш,
Неча йиллар ўтди мисли туш,
Эркингиа йўқ тажовуз, хуруж,
Мустақил юрт — Ўзбекистоним.

Озордликнинг тонги ҳам отар,
Тобеликдан қолмади асар,
Йўлинг порлоқ, йўқ энди хатар,
Мустақил юрт — Ўзбекистоним.

Йўл бошлади доно Юртбоши,
Порлар кўжда ваган куёши,
Мустақкамдир эрк тамал тоши,
Мустақил юрт — Ўзбекистоним.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, жаҳон аро ягонасан,
Бағринг тула фарзандингмиз, сен онасан.
Маъхиямда янграб турган таронасан,
Жарангласин номинг сенинг, Ўзбекистон!

Нақорат:
Биз улуғ мамлакат,
Биз буюк мамлакат,
Етишган бахтимиз —
Истиқлол — салтанат.

Кенгликларинг бепоеңдир, кезган билар,
Дарёларинг шиддатини сузган билар,
Минглаб йиллик тарихингни тузган билар,
Янграйверсин номинг сенинг, Ўзбекистон!

Нақорат:
Биз улуғ мамлакат,
Биз буюк мамлакат,
Етишган бахтимиз —
Истиқлол — салтанат.

Хохда тушроқ, хохда чинор, тоғинг бўлай,
Хохда сахро, хохда чаман, боғинг бўлай,
Кўжда порлар шамсинг бўлай, моҳинг бўлай,
Улуғдансин номинг сенинг, Ўзбекистон!

Нақорат:
Биз улуғ мамлакат,
Биз буюк мамлакат,
Етишган бахтимиз —
Истиқлол — салтанат.

ШУ БАТАНГА БОРДИР КЕРАТИНГ

Тингла ой киз, тингла мара ўғлон,
Жаннат замин, муссаффо осмон.
Сеникидир бу корт, бу замон,
Шу Ватанга бордир керагинг.

Зиё сочар истиқлол — қуёш,
Улуғ йўлда барчамиз сафдош.
Метин бўлса ирода, бардош —
Шу Ватанга бордир керагинг.

Ўқи, ишла, билим ол, бахт топ,
Бошинг узра нур сочар офтоб.
Чин юракдан айлагум хитоб:
Шу Ватанга бордир керагинг.

Тингла, ўғлим, тингла, ой қизим,
Йўл бошида насиҳат сўзим,
Сенга оқ йўл тилайман ўзим,
Шу Ватанга бордир керагинг.

ШИРОҚ СЎЗИ

Мен бахтлиман мармлар кўпайиб,
Тарихларда топилса тенгим.
Сабот бидан, матонат бидан
Якка ўзим лашкарни енгдим.

Енгилмасдир сак қабиласи,
Халқим учун бошимни эгдим.
Жасоратни қалбимда туйиб,
Якка ўзим лашкарни енгдим.

Порлоқ эди мен тошган ўлим,
Порлоқ бўлди охирти тонгим.
Юртим дег халқим бошига
Келган қора зулматни енгдим.

НАВОИЙ БОБОМГА

Афғон тушроғида макон тошган зот,
Қабрингиз илоийм нурабга тўлсин.
Сизга хайкал қўйдик, пойида унган
Соғинч чечаклари муборақ бўлсин.

Самарқанда юрдим изингиз излаб,
Сизга деб аталган шеъримни тўқиб.
Регистонга бордим, Сийёга бордим,
Юрдим ашъорингиз қайтадан ўқиб.

Сиз ўтган гузарда, улуғ майдонда
Соҳибқирон Темур руҳи юрибди.
Сиз битган дostonлар, сиз битган ғазал
Ҳар бир хонадонда янграб турибди.

Ҳазратим, сиз билган ҳар бир гўшадан
Энди истиқлолнинг насими елсин.
Афғон тушроғида макон тошган зот
Қабрингиз илоийм нурабга тўлсин.

КУРОНИ ТАШЛАНИ

Урушни испатган айрим жанобларга

Давом этар дунёда ҳамон

Катта-кичик жанглар, урушлар.

Кимга фойда жаноблар, айттинг,

Босқинчилик, хароблар, юришлар.

Кимга керак биродаркушлик?

Кимга керак азийт, нола.

Хар гўшада кулсин боладар,

Даладарда очилсин лаола.

Вайрон қилиб бузмоқ не даркор,

Курулларга эрк бермоқ нечун?

Уйданг, ахир инсон дунёга

Келган бахтли яшамок учун.

Эй, жаноблар, курони ташлаб,

Даст кутаринг тинчлик яловин.

Заҳматлардан зада заминда

Ёқмай туринг уруш оловин.

ИККИ ДАРЁ

Икки дарё сувларидан баҳраманд,

Тула диёрим ҳам бор бўлди, ҳам чаман.

Етган жойи жаннатларга айланар,

Амударё, Сирдарёси бор Ватан.

Тўмариснинг жасоратин туювохи,

Широққа ҳам йўл кўрсатган дафъатан.

Не-не тарих, не-не бўҳронлар кўрган,

Амударё, Сирдарёси бор Ватан.

1642

Сувларида чўқди Доро лашкари,
Ўлжон бўлди мўғулларга нисбатан.
Фанимларга бўйсунмаган тўлқинлар,
Амударё, Сирдарёси бор Ватан.

Замон келди, бўстон бўлди диёрим,
Энда бизга икки дарё бир қадам.
Топди яна кўхна ўзандарини
Амударё, Сирдарёси бор Ватан.

ОҚ КАБУТТАР

Оқ кабуттар учади

Юртимнинг осмонида.

Тинчликнинг маёғи у

Истиқлол замонида.

Уч, баланд уч, кабуттар,

Канотингни ёзавер.

Мовий денгиздай кўкда

Йироқларга сузавер.

Она Замин — Ватаним,

Тинчлик барҳаёт бўлсин.

Диёримнинг осмони

Кабуттарларга тўлсин.

Оқ кабуттар учади

Юртимнинг осмонида,

Тинчликнинг маёғи у

Истиқлол замонида.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TOSHIKENT VILOYATI SHIRKATI
DAVLAT REDAGOSHIKA INSTITUTI
1-FILIALI
АХВОРОТ RESURS MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA OTIRTA MAXSUS TAJLIM VAZIRLIGI
TOSHIKENT VILOYATI SHIRKATI
DAVLAT REDAGOSHIKA INSTITUTI
1-FILIALI
АХВОРОТ RESURS MARKAZI

ЎЗБЕК ТИЛИМ

Ўзбек тилим — жон тилим,
Ўз юртимда хон тилим,
Сўз, ибора, маталга
Хазина, хам кон тилим.

Қайнаб турган бўлоқсан,
Тарихларга тувохсан,
Йўлимизда маёқсан,
Ҳам шараф, хам шон, тилим.

Айтаман такрор-такрор,
Дунёда ўз ўрни бор,
Битаман сента ашъор,
Ўзбек тилим — жон тилим.

САМАРҚАНДА ЁДИ

Самарқанда бўлганда меҳмон
Кўчаларин танҳо кезаман.
Регистонни сайр этганда мен
Амир Темур руҳин сезаман.

Узоқ-узоқ хаёлга толдим
Обидадар бўсағасида.
Навойни кўргандай бўлдим
Бибихоним мадрасасида.

Зиёратга келган фарзандим,
Бир зум тўхтаб, бир зум бошинг эг.
Расадхона боғида ўйчан
Ўтирибди Мирзо Улуғбек.

Бу шаҳарни кезганда хар гал
Жўшиб илҳом, тошади туйғум.
Ёшлигимнинг тувоҳи бўлган
Самарқандни ўзгача суйғум.

МИНОРАЛАР — ТАРИХ ТУВОҲИ

Бухорою Хивага борсам,
Сайр қилсам Самарқандни тар.
Миноралар турар виқор-да,
Боқсанг боши булутта тегар.

Якка, танҳо турарлар бўзлаб,
Самоларга егади охи.
Юзлаб йиллар қадди бўқиммас
Миноралар — тарих тувоҳи.

СУМАЛАК

Ҳамма қозон бошида,
Сумалак хам қайнайди.
Давра олиб ёш-яланг
Рақс тушиб ўйнайди.

Даврада ўйин-кулги,
Улумлар хам янгича.
Сумалак базми бизда
Давом этар тонгтача.

Баҳор тонги осмонда
Сеп ёйганда камалак.
Улашамиз ҳаммага
Коса-коса сумалак.

ШУКРОНА

Яшайтман, оқдий одамман,
Ким менадан кам, мен кимдан камман,
Хам бахтиёр, хам хотиржамман,
Юзим ёруғ, хуадога шукр.

Манман бўлиб кўжрак кермадим,
Бойлик излаб зир югурмадим,
Дангиллама уйлар курмадим,
Юзим ёруғ, хуадога шукр.

Эгри йўздан юрмадим сира,
Инсон дилин қилмадим хира,
Гарчи кўнглим кимдандир яра,
Юзим ёруғ, хуадога шукр.

Ааолағтиниг туғини тутдим,
Яхшиликни мен мурода этдим,
Меҳнат билан муродаг етдим,
Юзим ёруғ, хуадога шукр.

ТИНЧЛИК ШАРОФАТИ

Болаларнинг кулгуси,
Хотиржамлик туйғуси.
Элимнинг тинч уйқуси
Тинчлик шарофатидир.

Чаманда гул лолалар,
Уйнаб юрган болалар.
Толедан нишонлар
Тинчлик шарофатидир.

Мовий осмон бегубор,
Бағрини очган баҳор.
Хар окшому, хар сахар
Тинчлик шарофатидир.

Кўкда учган кабутар,
Дада-боғлар зебу зар.
Ораста кўча, гузар
Тинчлик шарофатидир.

Мустақилдир хур Ватан,
Хар гўшаси нур ватан,
Қабимда эрур ватан,
Тинчлик шарофатидир.

САРАОБА

Ипак йўлида мен сардоба кўрадим,
Юз йиллар ошса-да оромбахш макон.
Хар бир елшти унинг тарихдан сўзлар,
Унинг учун йўқдир масофа — замон.

Эй, она Ватаним, қадрдон тулпроқ,
Олис тарихингга юзимни бурдим.
Чексиз саҳроларда нажот тимсоли —
Ипак йўлида мен сардоба кўрадим.

БЕКОВОД ҚҶШИҒИ

Тарихингни варақлаб бир-бир,
Ўтмишингни дилдан қилиб ёд.
Яна қайта сени ўйладим,
Менинг севган юртим Бекобод.

Бир пайтлар чўла эди бағринг,
Шўр тулпроқ ер, қамиш, тўқайзор,
Бутун бунда очибсан жамол,
Гулистонсан, чамансан, гулзор.

Белоеңдир пахтазорларинг,
Хар қадамда боғ ва мевазор.
Халқинг асли танги дехқондир,
Пахтакордир ҳамда фаллакор.

Тунда порлар ГЭС чироклари,
Номи Фарход, ундан юрт обод.
Мўғултоғининг тизмаси тўё
Кучиб турар сени Бекобод.

Сенга кумуш камар бўлай деб,
Сирдарё ҳам ўтади оқиб.
Туғилдим деб сенинг бағрингда
Фохрданар Қосимжон Ёқуб.

ТОШКЕНТ

Азим Тошкент, буюк кўхна Шош,
Ватаниминг энг тўзал шахри.
Фазодан ҳам кўриниб турар
Чаман мисол очилган бағри.

Осмонда чараклар куёш,
Тоғ, адирдан эсар сабоси.
Қайда бўлсак бизларни доим
Тортиб турар оҳанграбоси.

Шараф бўлди сенга Истиқлол,
Балқиди шоним, шавқатим, бахтим.
Кўхна Шарқда маёқ бўл, порла,
Она шахрим, улўф пойтахтим!

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Хажга йўл олганда пок ниёт билан
Бир сиқим тулпроқни ола кетгандим,
Қалбимга Раҳмонга шукрона ила
Ватан соғинчини сола кетгандим.

Араб тулпроғига қадам қўйганда,
Соғиниб эсладим сени, Ватаним.
Бир сиқим тулпроқинг хидматимда,
Бирдан таскин олди вужудим, танним.

Юртим хожилари ҳажда бирлашиб,
Ажиб бир одағни вожиб топдилар.
Аллоҳнинг уйида ўқиб намозин,
Сўнг Ватан тулпроғин олиб ўтдилар.

Ҳадисда айтилган: умр — омонат,
Билмаймиз қаерда бўлишин адо.
Хожилар юз қайта дуолар қилдик:
"Ўша тулпроқингдан бўлмайлик жудо".

ЗАФАР

Менинг шахрим номи — Зафар —
Музаффарлар маскани.
Жазм айладим шу масканга
Қасидадар ёзгани.

Бекободдай обод юртга
Марказ бўлган шаҳар бу.
Ҳар жабҳада зафар кучган
Ғолиб бўлган Зафар бу.

Унинг кўча, гузарлари
Тўса зиёга, нурга,
Мен чин дилдан фахр туяман —
Қалбим тўлар гурурга.

Келажакка қўл узатган
Ёш авлодим шахри бу.
Толе шахри — бахт маскани
Бекободнинг фахри бу!

ДАВВАРЗИН

Сервиқор тоғларнинг этақларида
Давварзин аталган ажиб тўша бор.
Бу менинг юртимдир — мен севган маскан,
Қадимда чўл эди, бутун-чи чаман.

Даласи — бегоён, боғлари — жаннат,
Дехқони меҳнат-да элини боқар.
Давварзин чўлини гулистон қилиб,
Обиҳаёт бериб Сирдарё оқар.

Юртим ифтихори — пахтани экиб,
Ўстириб, ясагиб, ардоқлар ҳамон.
Чўлда боғ яратиб, тулшан яратиб,
Етишиб чиқдилар неча қаҳрамон.

Бутун бўстгон бўлган ерларни кўриб,
Шужрона айтаман ҳар бир кунимга.
Миннатдор юракдан ёзиб бу шеърни
Бағишладим гўзал Давварзинимга.

ЎЗБЕК ПАХТАСИ

Пахта чаман-чаман очилса,
Товданади узоқ-узоқдан.
Делаларим кумуш денгиздай
Кўринади юксак фазодан.

Ҳатто гербда сурати бордир
Пахта билан бугдой бойламин.
Баҳор, ёзда тер тўжиб дехқон,
Кузда қилар хосил байрамин.

Ўзбек кийса беқасамдан тўн,
Аушписини бошга кўнадириб.
Билинг, шу йил хосил бўлган мўл,
Режаларни кўйган дўндайриб.

Шундан унда ифтихор, гурур,
Уйи тўда нурга, зиёга.
Вақти келса ўз пахтасидан
Тўн кийгизар бутун дунёга.

БУҒДОЙ СЎЗИ

Кузда уруе бўлиб қададдим,
Униб чиқдим — гиламдай майса.
Қордан кўрпа тортидим устимга
Дёзми қиш санчганда найза.

Баҳор келгач, барқ уриб ўсдим,
Бўй чўзим мен кўшга қараб.
Юзим ювди кўкдам ёмғири,
Шабадалар сочларим тараб.

Ёз бошланди, бошпоғим тўлиб,
Олтин каби товландим яна.
Эъзоз билан ўриб, янчилиб,
Хирмон тўлиб ёйилдим, мана.

Раҳмат дейман бободехконга,
Хосид йўли бўлмаган осон,
Ризқ-рўзингман, иссиқ нонингман,
Буғдойингман, Ҳазрати инсон!

ТАРИХИНГНИ БИЛ

Ўғлим, ўқиб бўларсан олим,
Қизим, Давом этарсан йўлим,
Фақат эсла: Аюода кўлим —
Тарихингни яхши бил, болам.

Бир тарихким — тоғдай пурвиқор,
Улуғ китоб — муқаддас, пойдор,
Очилмаган варақлари бор —
Тарихингни яхши бил, болам.

Тингла уни — сўзлагай Широқ,
У — Тўмарис бўғзидаги оҳ,
Шайх Кубронинг кўлида байроқ —
Тарихингни яхши бил, болам.

Асрларнинг сўзлар қарьидан,
Соҳибқирон салтанатидан,
Бобурийлар шон-шавкатидан,
Тарихингни яхши бил, болам.

Ал-Хоразмий ёққан офтоб бу,
Бухорийдан ҳадис — хитоб бу,
Бу Улуғбек битган китоб бу —
Тарихингни яхши бил, болам.

Энасойдан то Эрон қадар,
Тяншандан Алттархон қадар,
Олтой юртдан то баҳри Ҳазар —
Тарихингни яхши бил, болам.

Балқиб чиқди Истиқлол — кўёш,
Мара ўғлони юртга бўлди бош,
Бирлашди халқ, элелар қардош —
Тарихингни яхши бил, болам

РАМАЗОН

Ваганимда тонглар отади,
Тонг саҳарда айтилар азон.
Юртимга ризқ, барака сочиб,
Кириб келар моҳи Рамазон.

Чўнтагимда ҳайитлигим бор,
Кел, набирам, бағримга югур.
Раҳмон берган шундай замонга
Етганимга айтаман шукр.

ОЙНАИ ЖАҲОН

Мурватгини бураганинг он
Бутун дунё бўлар намён.
Бу ойнада юртимни кўрдим —
Улуғ сафда турар ёнма-ён.

Хоҳ филм кўр, хоҳ кўр томоша,
Саёҳат қил қитъалар оша,
Аввал юрт кез, Ватанни тани,
Қалбинг тоша, юрагинг тоша.

Мурватгини бураганинг он
Ажиб дунё бўлар намён.
Етти икким манзарасини
Кўрсатади ойнаи жаҳон.

ОСМОННИМИЗ

Эл-юртимда омонлик бўлсин,
Ўзбек, уйинг буғдойга тўлсин,
Она Замин айланиб турсин,
Осмонимиз бўлсин муссаффо.

Порлайверсин ой ила кўёш,
Ауо қилсин кекса ҳамда ёш,
Толё бўлсин ҳар даврага бош,
Осмонимиз бўлсин муссаффо.

МЕНИ МЕҲРИМНИ БЕРАЙИН СИЗГА

БИТИРУВЧИЛАРГА

Сизга бердик тарбия, билим,
Сабқуларни тинглаб бўладингиз.
Кутар сизни манзиллар сўлим,
Кутар сизни зафар йўлингиз.

Энди сизга устоздир ҳаёт,
Кураш бўлсин сизга муаллим.
Камолот ҳам, тафаккур, ижод,
Шижоатдан олингиз таълим.

Юрт ишида фоз турсин доим
Балоғатга етган бўйингиз.
Бахт тошганда кўлаб худойим,
Мақтабни ҳам эслаб кўйингиз.

ЁМГИР

Шамол эсар. Мен юрагимдан
Фашликларни бир-бир қуваман.
Беҳишт каби мунис дийрим
Ёмғирига юзим юваман.

Кийнайверса майда ташвишлар,
Баъзан рамдан ззилса бағир,
Сочларимни тўзғитиб шамол,
Анаҳуларим ювади ёмғир.

ОНАМГА ДЕБ

Бувим Хогияхонга багышлангану

Бахор келди, лолазор қирда
Длангоёқ чопиб юраман.
Бойчечату лоладан танлаб
Онамга деб туллар тераман.

Тулга тулган боғлардан эстан
Насимларга юзим бураман.
Шабнамларга кўлимни ювиб,
Онамга деб туллар тераман.

Энг яқиним, сирдошим онам,
Бор меҳрим, ҳам севгим бераман.
Мен хайтнинг чаманларида
Онамга деб туллар тераман.

НАСИҲАТ

Илмисизга эргашмоқ ёмон,
Танбаларни суймайди замон,
Меҳнатсиз йўқ на хўрмат, на шон,
Тингла болам, сента айтганим.

Мод-дунёга хирс кўйсанг атар,
Ночорларга қилмасанг назар,
Бир кун бошинг деворга тегар,
Тингла болам, сента айтаман.

Писанда қилмай кўйсанг одамни,
Ўйламасдан боссанг қадамни,
Сўнг торгасан азобни, рамни,
Тингла болам, сента айтаман.

Хурматда юр эл-юртта ёқиб,
Ўз бахтинга ўзинг бўла соҳиб.
Айтди буни Қосимжон Ёқуб,
Тингла болам, сента айтаман.

ОНАМ

Онам Зайнабхонга багышлангану

Дунёга келган куним
Бағрига босган онам.
Илк бор исминни айтиб,
Қалбига ёзган онам.

Неча ой, неча кунлар
Дард чексам, чекиб унлар,
Ухламай узун тунлар,
Оромин бузган онам.

Хар юмушга шай туриб,
Ўзи киймай кийдириб,
Ўзи емай едириб,
Чўп бўлиб озган онам.

Мени сўраб худодан,
Асраб дарду балодан,
Роҳат кўрмай дунёдан,
Насибин узган онам.

ЕТИМЛИК

Уруш даври, суронли йиллар,
Очарчилик, чилпора диллар,
Бахтинг топ деб чорласа йўллар —
Кета олмаганмиз, нетайлик.

Алғов-далғов бўлган замонда,
Аламлар ҳам ўтарди жоңдан,
Бахт калити эди осмонда,
Ета олмаганмиз, нетайлик.

Бола эдик биз ҳам бегуноҳ,
Ёқди бизни миннат деган доғ,
Оқда дёвор, ортимизда чоҳ,
Ўта олмаганмиз, нетайлик.

Болаликни унутмас киши,
Хар доим ҳам ўнг келмас туши,
Юксақларда эди бахт куши,
Тута олмаганмиз, нетайлик.

МЕҲРИНИНГ ҚАДРИ

Меҳрим бор деб жар солманг, атар
Жўш урмаса томирада, қонда.
Биз-ку уни юрибмиз излаб
Меҳр танқис бўлган замонда.

Пайти келса тугишганинг меҳр
Бермай турса жуда ёмонда.
Сен-ку унга ташнасан, зорсан
Меҳр ноёб бўлган замонда.

ОНАЛАРГА КЎРСАТИНГ МЕҲР

Оналарни қилинг эҳтиёт,
Улар — ҳаётимиз кўеши.
Сочларига оқ тушса майди,
Кўзларидан оқмасин ёши.

Оналарга кўрсатинг меҳр,
Хам бўлмасин муборақ боши.
Майди, ҳасса тутса кўллари,
Кўзларидан оқмасин ёши.

МАРҲАМАТДА ҚОЛГАН ОТАМ

Отам Ёқубжон Мансуров хопшрасиши
Бир манзилда кўқарар дарахт —
Бунди айтган аллома одам.
Бекободда томир отдим мен,
Марҳаматда ётибди отам.

Замон зайли шундай бўлганди,
Айро тушдик ота ва бола.
Қолганларни ажратма эгам —
Яратганга қиламан нола.

Андижонга йўлим тушганди,
Отам қабрин қилтум зиёрат.
Кўл очаман — руҳи бўлсин шод,
Ауоларим бўлсин ижобат.

КЕЛИНЛАРИМ

Бир-биридан латофатли,
Бир-биридан саришпта.
Менинг икки келиним бор,
Мисли икки фаришпта.

Улар мени хурмат қилар,
Мен ҳам диддан суяман.
Сизлар менга келин эмас,
Қизимсиз деб қўяман.

Фарзандларни бахтли кўрмоқ
Ҳам орзу, ҳам аҳдимдир.
Кайноғалик — кутлуғ унвон,
Қайноғалик бахтимдир.

Бир-биридан назоқатли,
Бир-биридан мулоийм.
Икки ўғлим — икки келин
Бахтли бўлсин илоийм.

ШУМСОЙДА

Мен бу сойнинг сувин ичдим,
Кечиб ўтдим, хормадим.
Номи Шумсой экан, лекин
Шумлигини кўрмадим.

Арча билан қарагайнинг
Яқин экан ораси.
Хайлингиз олиб қочар
Тоғлари, ҳам дараси.

Тоғсойнинг сувин ичмай,
Сув мазасин билмабсиз.
Бўстонликда бўлмабсиз сиз —
Бу дунёга келмабсиз.

СОҒИНДИМ

Дилга тўйиб йимон, тавбани,
Тавоб қилиб бордим Каъбани,
Юрагимда эдинг, Ватаним,
Мен Маккада сени соғиндим.

Саждаларга кўйиб бошимни,
Дарё қилдим кўзда ёшимни,
Сени — кўкда чўнг қуёшимни —
Мен Маккада сени соғиндим.

Кўртанимда Арофат тоғин,
Тоғларимни қумсадим тағин,
Шунда билдим нелигин соғинч,
Мен Маккада сени соғиндим.

Сен учундир саодатим ҳам,
Чин юракдан ибодатим ҳам,
Қабул бўлсин зиёратим ҳам,
Мен Маккада сени соғиндим.

КИМНИ НИМА ҶАДДАРАР

Кимни сақлаб қолар битта сўз,
Кимни битта сўз ўлдирди.
Кимга душман дўст бўлиб қолар,
Кимни сохта дўст ўлдирди.

Етим ўсдим, йиғмадим бойлик,
Дунё дея чошиб елмадим.
Қинғир йўлга бошлади кимлар,
Улар чорлаганда келмадим.

Увод кетган зотларни кўриб,
Оч қорним — тинч қудлоғим, дедим.
Қалби поклар билан дўстлашиб,
Соҳдаларни ўртоғим дедим.

Бир-иккиси қулади устимдан,
Чикқанимда ночорни ёқлаб.
Яхшиликка кўз тегмасин ҳеч,
Аллоҳ, ёмон кўзлардан сақла.

Ёмонлардан йироқ юр, Қосим,
Кимни битта сўз ўлдирди.
Кимга душман дўст бўлиб қолур,
Кимни сохта дўст ўлдирди.

МЕҲР ҚҶШИФИ

Мен меҳрни шер қилиб,
Қўшиқ қилиб, куй қилиб,
Алла айтиб, тўй қилиб,
Боламга деб айтаман.

Умр асли бир саҳна,
Дилга тушмасин раҳна,
Тинч турсин деб бу кўҳна
Оламга деб айтаман.

Мени деб сочи опшоқ,
Қўнгли момикдан юмшоқ,
Йўл қараб бизга муштоқ
Онамга деб айтаман.

Сўзи мисли бол-асад,
Севгимдан битиб ғазад,
Муқаррамдай бир тўзад —
Санамга деб айтаман.

МЕН ОНАМНИ СОҒИНАМАН

Тўймагандим кўзларига,
Муштоқ эдим сўзларига,
Қани айтсам ўзларига,
Мен онамни соғинаман.

Юмдуз санаб изладим мен,
Кўкка боқиб бўзладим мен,
Ўз-ўзимга сўзладим мен,
Мен онамни соғинаман.

Юлунгина бола бўлиб,
Эрта хазон лола бўлиб,
Қалби тўда нола бўлиб,
Мен онамни соғинаман.

Кўнглим тўлиб, гоҳи озиб,
Ўтар умр рафлағ босиб,
Изтиробди шерьлар ёзиб,
Мен онамни соғинаман.

МУҲАММАД ЮСУФ

Шоир таваллуғининг 60 йиллигига
бағишланади

Дилдан айтиб халқига сано,
Шерьларидан гулдаста тузиб,
Кириб келди адабийётга
Марҳаматдан Муҳаммад Юсуф.

Қалбга малҳам ҳар битта сўзи,
Иборалар шода марварид.
Шоир дили бўлганди аввал
Райҳон билан ялпизга харид.

Китобларин кўлимга олиб,
Варақдасам уни кўраман.
Шоир туйган хис-туйғуларни
Излаб Марҳаматга бораман.

Баҳор келди. Кушлар қайтишди,
Кўкда булут қарвони сузиб.
Ватан дая қайноқ шерьларни
Ўқиётир Муҳаммад Юсуф.

МАКТАБИМГА

Бекобоғ туманининг 11-ўрта мактаб
жамоасига бағишланади

Тарихларга битилган отлар,
Таълим олган не улур зотлар,
Хотирлайди ҳамон авлодлар,
Илм, тарбия, оқоб мактаби,
Давварзиннинг ўрта мактаби.

Истиқомдининг чиққач кўеши,
Янгиладан юзлаб сафдоши,
Саксондан ҳам олдику ёши,
Илм, тарбия, оқоб мактаби,
Давварзиннинг ўрта мактаби.

Бунда улуғ тўзал бир одат,
Битиргандар қилур зиёрат,
Асло қонмас меҳр, садоқат,
Илм, тарбия, оқоб мактаби,
Давварзиннинг ўрта мактаби.

Ҳамма учун меҳрибон маскан,
Устозидан шогиради ўзган,
Қосим Ёқуб тарихин ёзган,
Илм, тарбия, оқоб мактаби,
Давварзиннинг ўрта мактаби.

УСТОЗ

Устозим Абдуссадуқ Боймуродовга

Ўтди кўп замонлар, ўтди кўп йиллар,
Эсласам қалбимга эҳтирос тўлар,
Оддидан чиққанда паст-баланд йўллар,
Қўлимдан етаклаб ўтказган устоз.

Биэга ўргатдингиз ҳаёт дарсини,
Тинглай билардингиз диллар арзини,
Армоним — узолмай қолдим қарзимни,
Биэга илж бор қалам тутказган устоз.

Ўзим ҳам сиз каби бўлдим муаллим,
Шогирдларга меҳр қалбимда лим-лим,
Сиз берган одоб бу, сиз берган таълим,
Бизни орзуларга етказган устоз.

Баҳоси баланддир эл-юрт ардоғини,
Ниҳоллари яшнар тарбия боғини,
Оталардан мерос шараф байроғини,
Олға бос, деб биэга тутказган устоз.

АМИР ТЕМУР НАБИРАЛАРИ

Улар чаққон, улар зеҳдли —
Ёш авлоднинг энг саралари.
Боболарин йўлини тутган
Амир Темур набиралари.

От миннишиб чоппилар улоқ,
Зирилмайди тоғ дараалари.
Қўлларида юммузли байроқ
Амир Темур набиралари.

Ўтган ҳар бир йил, ҳар бир аср
Бу тарихнинг хотиралари.
Ватанига бўлади қалқон
Амир Темур набиралари.

Жаннат ўлка — буюк мамлакат,
Замин тўла захираалари.
Шундай юртни бой қилур абад
Амир Темур набиралари.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Кўнгли ҳамон бахорни кўмсар,
Гарчи кузда юрибман ўзим.
Қўлга олиб заъфарон баргини,
Майсаларга айтаман сўзим.

Ойна чертар субҳидам баҳор,
Деразамдан боқаман аста.
Сизга дея азиз муҳлисим,
Шеърларимдан тўздим гуддаста.

ДИЛБАНДАРИМ ВА ШОГИРДАРИМ

ШОГИРДАРИМГА

Мен уларни суйдим болам деб,
Бирин райхон, бирин лолам деб,
Уруъ сочиб хосилин тердим,
Шогирдарга меҳримни бердим.

Хаёт ўзи берганда савод,
Тетик руҳлар кўрмайди завод,
Мен ҳам доим кўжратим керадим,
Шогирдарга меҳримни бердим.

Келажақдан бергувчи дарак,
Оруз йўли бўлсин муборак.
Оқ йўл дейман, мен нима дердим,
Шогирдарга меҳримни бердим.

БОҒДА

Боғ яратдим ўрик, олча,
Анори ҳам токи бор.
Бир олманинг тўрт хил нави,
Кизили бор, оқи бор.

Кўй-кўзига майсаларни
Ўраман мен этаклаб.
Хар кун боққа йўл оламан
Набирамни етаклаб.

Узумларни тарайман мен,
Улар боққа ярашар.
Набирам ҳам қўлимдаги
Ток қайчини талашар.

Ўргатаман набирамга
Богобонликнинг сирини.
Бир кун улар мерос олар
Бобосининг ерини.

Баҳор келди, ниҳолларим
Ўйғондилар куртаклаб,
Боғ кезаман набирамни —
Ёқуббекни етаклаб.

МУҚАРРАМ

Турмуш ўртоғимга

Иссиқ кунлар кўрдик хаётда,
Совуқ кунлар кўрдик хаётда,
Ўзад ёшлик қоларкан ёйда,
Муҳаббатим сенсан, Муқаррам.

Сўқмоқлардан хамқадам юрдик,
Ҳалол яшаб, онда кўрдик,
Ширин-шакар фарзандлар кўрдик,
Салтанатим сенсан, Муқаррам.

Хаётимда борлигинг давлат,
Мен-да бахтга ёрлигинг давлат,
Дуфф-карамда зўрлигинг давлат —
Лағофатим сенсан, Муқаррам.

Назар ташла атроф — замонга,
Етиб келдик бахтли давронга,
Минг шукрлар дейлик Раҳмонга,
Саодатим сенсан, Муқаррам.

Ўзинг севар ёримсан менинг,
Виждонимсан, оримсан менинг,
Бу дунёда боримсан менинг,
Муҳаббатим сенсан, Муқаррам.

НОДОН ТАЛАБА

Олгунича баҳоларини
Устозига эгидди минг бор.
Соя мисол юрди эргалиб,
Кўп ялинди, ўтинди зор-зор.

Баҳосини олгач эса у
Банди бўлди кибр-жавога.
Менсимасдан устозин хатто
Алданиблар кетди рўёга.

Устоз сабр-бардошли эди,
Жим кузатди шогирдининг ҳолин.
Талабага битмади ақл,
Такаббурлик омади хайлин.

Кўринг энди тақдир сабоғин,
Тан берамиз пири комилга.
Кибр сабаб нодон талаба
Қолиб кетди иккинчи йилга.

ДАНГАСАЛАР

Дарсларига кеч қолар,
Гоҳ "2", гоҳ "3" олар,
Ҳоли доим танг бўлар,
Бу — дангаса болалар.

Иши асло унмайди,
Яхши гапга кўнмайди.
Тутар фақат, ёнмайди,
Бу — дангаса болалар.

Тебса тебранмас бўлар,
Тўғри йўлда ҳам қулар,
Ҳамма устидан қулар,
Бу — дангаса болалар.

ҚАЙТИБ ҚЎЙДИ

Елкасига омади Нозим
Айёрликнинг юкини,
Кундаликнинг варағидан
Ўчирди у "икки" ни.

Эртаси у кундаликни
Устозига кўрсатди.
Кўриб ўчган баҳосини
Ўқитувчи лол қотди.

Нозим танбёҳ омади қатта,
Роса еди даккини.
Уэр сўраб ўзи қайта
Қўйиб қўйди "икки" ни.

НАБИРАЛАРИМ

Кизим, ўғлим келди шаҳардан,
Ширмой нону лочираларим.
Уйим тўғди қичқириб шодон
Кириб келди набираларим.

Боғда узум ҳосилга кирди,
Ёнғоқ, олма ҳам жийдаларим.
Сизларга деб эканман ахир
Кўз қароғим, нур дийдаларим.

Шукр, бағрим тўғди болага,
Бирин кўйиб, суяман бирин.
Набиралар чуғурлар хушхол —
Данагидан мағизи ширин.

ЭТАГИДАН ТҮТ

Устозни йўқ инсоннинг
Устозни шайтон дерлар.
Устоз сўзин олмаган
Шотира ер пушмон дерлар.

Уй пештоқи очилгай
Безанган нақши бўлса.
Тўғри йўлга бошлагай
Устозинг яхши бўлса.

Аввал салом бер, шоши,
Устозингни кутиб ол.
Эрташиб ҳикмат ўрган,
Этагидан тутиб ол.

КИТОБ ҲИММАТИ

Кимки китоб ҳишми билмас —
Юрагини ёқипни билмас,
Нега улар ҳақ ишни билмас —
Китоб ҳишмаган болалар.

Китоб неди — ҳишмайди улар,
Бир қайрилиб боқмайди улар,
Менга буткул ёқмайди улар —
Китоб ҳишмаган болалар.

Устозга ҳам бўйсунмайдилар,
Яхши гапга ҳам кўнмайдилар,
Улар бизга дўст бўлмайдилар —
Китоб ҳишмаган болалар.

САЛОМНИ ҲИММАТИ

Тингла болам: ширин сўз,
Қаломни ҳишмагин.
Қатталарни ҳурмат қил,
Саломни ҳишмагин.

Ҳарф ўргатган устозинг,
Қаломни ҳишмагин.
Қўлинг кўксингда бўлсин,
Саломни ҳишмагин.

Сенга яхшилик қилган
Одамни ҳишмагин.
Этилганга этилгин —
Саломни ҳишмагин.

ГУА

Богимга гулар экдим,
Гузамликни туйай деб.
Энг меҳрибон кишимга
Бир гулдаста берай деб.

Баҳор келиб гуларим
Очидди гулаб-яшнаб,
Санам билан гулзорга
Келдим кўлидан ушлаб.

Ҳадикларнинг туғуни
Бирдан ёзилиб кетди.
Туғни олиб уа санам
Гулдай очилиб кетди.

ОЙДИН ТУНДА

Тоғ бошида ой кўринди,
Ёрим кела қолсайди.
Кўп авайлаб гул келтирдим,
Келиб ола қолсайди.

Тоғ бошида ой кўринди,
Кумуш нури оқди.
Шу ёримнинг эркалиги,
Нози жуда ёқди.

Тоғ бошида ой кўринди,
Бир-бир босиб келар ёр.
Совға қилган исирғамни
Бугун осиб келар ёр.

Тоғ бошида ой кўринди,
Нурингни соч, оймомо.
Севги билан тўлган бугун
Бу кинот, бу само!

ИШҚ ЎТИ

Сенсиз ўтган туналарим қаро,
Раҳм қилгин менга дилбарим.
Худди мендай сўлиб бормоқда
Сенга атаб қўйган гуларим.

Ишқ ўтининг олови ўрлар,
Кел, васлининг бергин хабарин.
Кеча-кундуз кутаман сени,
Раҳм қилгин менга, дилбарим.

НАВРЎЗИМ КЕЛДИ

Анхорларда суя тўлиб тошди,
Лолазорлар бағрини очди.
Ошиқларнинг уйкуси қочди,
Келди баҳор, Наврўзим келди.

Толпопуқ соч қизнинг бошида,
Ўсмаси ҳам қаламқошида,
Бу ўн етти сабза ёшида,
Келди баҳор, Наврўзим келди.

Белда шойи белбоғ йипитлар,
Кайфияти кўп чор йипитлар,
Тўлган кўча, чорбоғ йипитлар,
Келди баҳор, Наврўзим келди.

Кўлга олар шoirлар қалам,
Унгутилар ташвишу алам,
Мисли жаннат кўринар олам,
Келди баҳор, Наврўзим келди.

КЎШИҚ

Кўрдим уа жононани,
Кўзлари дурдонани,
Кувди мен девонани —
Ёнига қайтгим келур,
Бир кўшиқ айтгим келур.

Қайта кетди уа мадак,
Энди мен излаб хадак,
Не азоб бу эй, фалак —
Васлига етгим келур,
Бир кўшиқ айтгим келур.

Бенасибман васлидан,
Қайта қочгим қасдидан,
Ишқ фиरोғин дастидан
Тош бўлиб қотгим келур,
Бир кўшиқ айтгим келур.

Гар боролсам ёнига,
Дил очиб жононага,
Уа яшар остонага
Бош кўйиб ётгим келур,
Бир кўшиқ айтгим келур.

КЕЛМАДИНГ

Сени сўйиб жоним, дедим,
Сенга хонумоним дедим,
Кел, қошимга бонур, дедим,
Мен чорладим, сен келмадинг.

Тошлар отдинг қоя бўлдим,
Ўз севгимга доя бўлдим,
Ортингдан бир соя бўлдим,
Мен чорладим, сен келмадинг.

Дилда розин айтди Қосим,
Гоҳ акрдан озди Қосим,
Йилгаб-йилгаб ёзди Қосим,
Мен чорладим, сен келмадинг.

ТҮРГЛИКЛАР

Хар гўшаси чаман, хар ён гулистон,
Жаннатнинг нафаси уфурган бўстон.
Гулмайвер, яшнайвер, азиз Ватаним,
Ер юзин сайқали жон ўзбекистон!

Энг гўзал юртлардан гўзалсан ўлкам,
Маҳнингни минг куйлаб, минг бор айтсам кам.
Сенинг бағринг бизга она кучоғи —
Меҳнат, бахт, саодат сенда жамулжам.

Юртим деб ёзганим шеър, дoston бўлди,
Қалбим чечаклари тул, бўстон бўлди.
Тугилган маконим қадим Давварзин
Истиқлол йиллари гулистон бўлди.

Мен тугилган тушроқ — муқаддас тушроқ,
Ундан униб ўсди хар ниҳол, яшроқ.
Хорижларда юрдим хидини туйиб,
Унга меҳрим тушган ҳаммадан кўпроқ.

Аскара ўғлим — таянчим,
Зобит ўғлим — посбоним.
Токи сизлар бор экан,
Тинч, беғубор осмоним.

Ўтар куз, қиш, ёз, баҳор,
Йиллар ўтар бетакрор.
Илоийм дунё бўйлаб
Тинчлик бўлсин барқарор.

Бошга тушса кўрар инсоннинг кўзи,
Яратган ҳам ўзи, бузган ҳам ўзи.
Бизга етиб келди ўтми йиллардан
Китобларда қолган тарихнинг сўзи.

Онамнинг руҳига сўйладим дардим,
Кўрдим инсонларнинг номарду мардин,
Ватан, сендан яқин дарақашим йўқдир —
Кўзимга суртаман тушроғинг тардин.

Номара сизга сўз айтса дўстона деманг,
Мен шеър ўқиб йиғласам мастона деманг.
Хақиқатга тик боқар Қосимжон Ёқуб,
Унинг ёзганларин афсона деманг.

Катта юрак, митти жоним бор,
Ватаним бор — еруру, шоним бор.
Амир Темур бобомдан мерос
Томиримда оқар қоним бор.

Ўралим, сўзим қулоғингга ос,
Юрсанг фақат олга қадам бос.
Сўзинг, ишинг, амалинг бўлсин,
Шони буюк боболарга хос.

Чин насихат дил ҳамрозидир,
Ҳақиқат ҳам қалб овозидир.
Бошингда тут ота-онангни —
Ота рози — худо розидир.

Богимда кўксамги насим елади,
Кўшлар кўшиғидан кўнглим тўлади.
Интиқиб кутаман ҳар йил баҳорни,
Баҳордан онамнинг ҳиди келади.

Қаерда бўлмайин, не иш билан банд,
Хаёлим сен билан бўлади пайванд.
Талпиниб яшайман бир умр сенга,
Ёшлигим тубоҳи — она Самарқанд.

Фарзандинг бўлганим мен учун фахр,
Ватан, кучоғингдан узилмоқ офир.
Бағрингда туғилдим, ўсдим, яшадим,
Ўласам ҳам бағрингда ётаман ахир.

Куёш порлаб турсин самода,
Инсон умри бўлсин зиёда.
Юртбошимга узоқ умр бер,
Халқим омон бўлсин дунёда.

Тартингизни тўймадим, она,
Бошқадарни сўймадим, она.
Олти ойда сиздан ажрадим,
Меҳрингизга тўймадим, она.

Дунё кўриб нима ғамладим?
Кимга керак қуруқ савлатим?
Бор бойлигим — ёзган китобим,
Она тилим — менинг давлатим.

Мен ёнмасам, ким ёнар?
Сен ёнмасанг, ким ёнар?
Ватан учун ҳаммамиз
Тенг ёнмасак, ким ёнар?

Қанча сувлар кетди-ку оқиб,
Ҳикмат топдим тарихга боқиб.
Сенга ҳам ёр бўлсин шундай бахт,
Доя ёзди Қосимжон Ёқуб.

Мен ўйлайман: шерь мисли гунча,
Бир кун келиб гул бўлади у.
Қосим Ёқуб шохликдан кеча
Ўша гулга кул бўлади у.

ҲИКМАТЛАР

Китоблар — давр кўзгуси. Биз кўзгуга қараб давр тарихини ўрганамиз.

Ватанпарварлик ўз оиласига, юртига содиқликдан, ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади.

Ўз шогирдлари қалбига йўл топа билган устоз — яхши устоз.

Дунёдаги тўқлик, шодлик ва яхшиликнинг ман-бани меҳнатдир.

Кимки илм билан тафаккур шамини ёқса, бу шам асрлар оша ўчмагай.

Сўзи билан иши бир дўстлар ажралмас дўстдир.

Кимки сени икки бор аддаса, айб ўзингда бўлади. Чунки хушёр эмассан.

Қўла эзгү ишлар учун, тил яхши сўзлар учун яратилган.

Сабрли инсон сабрсиз инсондан аввал мақсадга эришади.

Муҳаббат кимга бўлишидан қатъи назар — Ватангами, ота-онагами, фарзандгами, севган инсонгами — ахлоқий тўзалмиқдир.

Пилимаган овқат қоринни оғритгани каби, миннатга яхшилик дилни оғритади.

Мен Ватанга оёқ бўлиб, қўла бўлиб хизмат қилишни хоҳайман.

Шеър юракдан портлаб чиқадиган қучай хис-туйғудир. Уни сўз орқали ифодагай олган одамларни шоир деймиз.

Чин инсон шараф билан ўлади.

Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, у ёнмаса, биз ёнмасек, ким ёритар ўзбекистонни?!

Патан, сенадан тонар бўлсам, мазорим ўт олиб ёнсин.

Менинг бахтим — мен ҳақким учун яшадим, ҳақким учун меҳнат қилдим.

Қўлчилкка ишор — мақсадга эришасан.

Тер тўқиб ишла — дур оласан.

Китоб — доно маслаҳатчи, яхши дўст, йўл кўрса-
тувчи юмуз, беминнат устоздир.

Ватан учун фидойилик лаззатли ва фахридир.

Ватанга муҳаббатни баландпарвоз сўзлар билан
эмас, меҳнат билан исбот қилиш керак.

Устоз шогирдлар тарбиясига таъсир кўрсата ола-
диган обрўли ва билимдон шахс бўлмоғи зарур. Ва,
абадгата, ватанпарвар бўлиши шарт.

Инсон ҳаёти давомида халқига, юртига нафи те-
гдиган бирор иш қилмаган бўлса, унинг юз йил
яшашидан не фойда.

Ҳақиқий инсон бўлман деган одам ҳақиқий ус-
тоз тандай билиши керак.

Эй инсон, ҳудо сенга оёқ, қўл ва тилни тегиш,
уриш ва бадсўз гап айтиш учун бермаган. Уларни
яхши манзилларга бориш, эзгу юмушлар қилиш ва
ширинсухан бўлиш учун берган.

Аёз кўлиларида гулхан, саҳрода сув азиз бўлгани
каби, Ватанда инсон азиз, инсонга Ватан азиз.

Тарихни ўрганиш, билиш, уни пок сақлаш ва ав-
лоқларга етказиш — ватанпарварликдир.

Ватан туйғуси кучли бўлган юртда барака ва та-
раққийот бўлади.

Юрт тулпроғи табарук, уни севиш, асраш ва му-
камалас деб билиш керак.

МУНДАРИЖА

ШЕРЬРИПТА ОШНОЛИК	3
ЮРТ БУАММАЙДИ ВАТАНДАН ҲАГА	
Ватан тудроғи	9
Туғилган ерим	10
Мустақиллик берган неъматлар	10
Тавзия	11
Мустақил юрт	12
Ўзбекистон	13
Шу Ватанга бордир керагинг	14
Широк сўзи	14
Навий боёбмга	15
Куролни ташланг	16
Икки даре	16
Оқ кабутар	17
Ўзбек тили	18
Самарқанда ёди	18
Миноралар — тарих гувоҳи	19
Сумалак	19
Шукрона	20
Тинчлик шарофати	20
Сараоба	21
Беқобод қушиги	22
Тошкент	22
Бир сиким тудроқ	23
Зафар	24
Даварзин	24
Ўзбек пахтаси	25
Бугдой сўзи	26
Тарихингни бил	26
Рамазон	27
Ойнаи жаҳон	28
Осмонимиз	28
МЕН МЕҲРИМНИ БЕРАЙИН СИЗГА	
Битирувчиларга	29
Ембир	29
Онамга деб	30
Насихат	30
Онам	31
Етимлик	32

Меҳриниڭ кадри	32
Онамга кўрсатинг меҳр	33
Мирҳоматда қолган отам	33
Қадиқларим	34
Шўрсойда	34
Сониқим	34
Кичини нима ўаирирар	35
Меҳр кўшиғи	36
Мен онаمنى соғинаман	37
Мухаммад Юсуф	37
Мақтабимга	38
Ҳотол	39
Амир Тему́р набиралари	40
Бақор соғинчи	41
БАҚОР СОҒИНЧИ	41
ДИВАНДАРИМ ВА ШОГИРДАРИМ	
Шоғирларимга	42
Вара	42
Муқаррам	42
Надон талаба	43
Надон талаба	44
Дангасалар	44
Набираларим	45
Калитиб кўйди	45
Набираларим	46
Эттидан тут	46
Китоб ўқиматган болалар	47
Сабонин улутга	47
Неви аўтога	48
Неви ва ёмон	48

МУҲАББАТ КЎШИҚЛАРИ

Сониқимнинг	49
Вара	49
Муқаррам	49
Надон талаба	50
Надон талаба	50
Надон талаба	51
Надон талаба	51
Надон талаба	51
Надон талаба	51
Надон талаба	52
Надон талаба	53
Надон талаба	53
Надон талаба	54
Надон талаба	54
Надон талаба	58

Агабий-бағдий нашр

КОСИМЖОН ЁКУВОВ

МЕҲРИНОМА

Шеърлар

Мухаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусаххих

Феруза ШОСАИДОВА

Бадий муҳаррир

Хусан МЕҲМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Босишга 11.04.2014 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 4.0. Шартли босма тобоғи 6,72.

Гарнигура «Вайтса Сут + Узь». Офсет қорози.

Адади 500 нусха. Буюртма № 42.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

Лицензия рақами: АЛ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Катгортода кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими — 278-36-89;

Маркетинг бўлими — 128-78-43, факс — 273-00-14;

е-мал: yangiasravlod@mail.ru